

# YANGI RENESSANS

RESPUBLIKA ILMIY JURNALI

2024



+998945668868



[www.innoworld.net](http://www.innoworld.net)



**INNOVATIVE  
WORLD**

**YANGI RENESSANS**

**RESPUBLIKA ILMIY JURNALI  
TO'PLAMI**

**1 - JILD, 1 - SON**

**2024**

**Google Scholar**



**ResearchGate**

**zenodo**



**ADVANCED SCIENCE INDEX**



**Directory of Research Journals Indexing**

**[www.innoworld.net](http://www.innoworld.net)**

**O'ZBEKISTON-2024**





## ЧЎЛПОННИНГ ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТИ МАНБАЛАРИ

**Исломова Сохибахон Исмоилжоновна**

**Андижон давлат университети**

**докторанти**

**Аннотация:** Мақолада Чўлпоннинг газеталардаги журналистик фаолияти хусусида сўз юритилган. Унинг газета билан боғлиқ фаолияти қатор манбалар – хотиралар, архив ҳужжатлари ва газета материаллари асосида тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** “Бухоро ахбори”, “Дархон”, “РосТА”, газета, муҳаррир, публицистика, услуб, таржима, мақола, таҳририят, архив ҳужжати, имзо.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон нафақат шоир ва адиб сифатида XX аср бошларида шуҳрат қозонди, балки ўзининг 300 га яқин мақолалари билан ўша даврда мавжуд бўлган матбуотда ҳам фаол қатнашди. “Туркестанский голос”, “Янги Шарқ”, “РусТО”, “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Бухоро ахбори” каби ўнлаб матбуот нашрларида муҳаррир, техник муҳаррир, адабий ходим, таржимонлик вазифаларида ишлаб, журналистика соҳасида ҳам ўзидан жуда катта маънавий-ижодий мерос қолдирди.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзининг давр муаммоларни акс эттирувчи мақолаларини “Ойина”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон”, “Шўро”, “Вақт”, “Турон”, “Хуррият”, “Янги Шарқ”, “Иштирокиюн”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Қизил байроқ”, “Бухоро ахбори”, “Камбағаллар товуши”, “Инқилоб”, “Дархон”, “Фарғона”, Маориф ва ўқитғучи”, “Муштум”, “Ер юзи”, “Зарафшон”, “Гулистон”, “Рўсто” каби газета ва журналлар чоп эттирди. Айниқса, ўтган аср ўзбек матбуоти тарихида ўзига хос ҳодиса ҳисобланувчи “Бухоро ахбори”, “Дархон”, “РосТА” газеталари фаолияти, унинг миллий журналистикамиз ривожланишида нечоғлиқ муҳим ўрин тутганлиги Чўлпоннинг улкан хизматлари натижасидир. Шу сабабдан “Андижон шаҳар ва уяз инқилоб-ҳарб шўроси ва инқилоб қўмитасининг фикр тарқатқучиси” ҳисобланган “Дархон” газетасининг таъсис этилиши билан боғлиқ тарихий жараён, унинг ўша давр ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, шунингдек, Чўлпоннинг “Бухоро ахбори”, “РосТА”, “Дархон” газетасида кечган журналистик ва иждоий фаолиятини ўрганиш чўлпоншуносликнинг долзарб муаммоларидан саналади. Айни зарурат мавжуд тарихий манбалар – архив ҳужжатлари, газета материаллари, хотира ва эсдаликлар устида жиддий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.





Маълумки, Андижон, Марғилон, Ўш уездларида “босмачилик” ҳаракати авж олган бир пайтда совет ҳарбий қўмондонлиги мазкур ҳудудларда ҳарбий ҳолат эълон қилади ва шу билан бир қаторда Ҳақулоддаги бошқарув органларини ҳам қайтадан ташкил этади. Айни пайтда “Босмачилик” ҳаракати етакчилари билан ўзаро тинч музокаралар ўрнатиш, уларга сиёсий, ғоявий-мафкуравий кураш йўлидан бориб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш сари қадам ташланади. Зеро бундай тарихий шароитда Андижонда ижтимоий-сиёсий, ҳарбий барқарорликни ўрнатиш давр талаби эди. Шу мақсадда 1923 йилнинг май ойида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (ТурЦИК) ва Туркфронт Инқилобий Ҳарбий Кенгашининг (РВС) ташаббуси билан Андижонда “Дархон” номли газета чиқариш вазифаси белгиланади. Газета бош муҳаррирлигига Абдулҳай Тожиёв тайинланади. Бироқ газета иши анчагина масъулиятли бўлгани боис, ўз-ўзидан унинг бор машаққатларини уddалай оладиган малакали ходим ҳам зарур эди. Ўтиборли жиҳати шундаки, бунгача “Туркестанский голос”, “Янги Шарқ”, “РусТО”, “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Бухоро ахбори” каби ўнлаб матбуот нашрларида муҳаррир, техник муҳаррир, адабий ходим, таржимонлик вазифаларида ишлаб суяги қотган 26 ёшли Чўлпоннинг бу борада катта тажрибага эга эканлиги нафақат илмий жамоатчилиikka, балки юқори сиёсий доира вакилларига ҳам яхши маълум эди. Шу тариқа мазкур вазифага Чўлпон ҳар томонлама лойиқ кўрилади. Бу ҳақида у кейинчалик ўзининг ВКП(б) Ўрта Осиё бюросига йўллаган хатида ҳам тўхталиб, “...ТуркМИК ва Туркфронт ИҲКнинг командировкаси асосида” Андижонга борганлигини ва “газетанинг техник муҳаррири ва адабий ходими” сифатида фаолият юритганлигини, “газета ўз вақтида ғоят яхши фикрлар олган”лигини айтиб ўтган эди [14. Б. 63].

Газетанинг маслаги хусусида ўша пайтдаги Андижон Инқилобий Ҳарбий Кенгаши раиси ва “Дархон”нинг А.Тожиёвдан кейинги масъул муҳаррири бўлган Исҳоқ Ғозиев кейинчалик журналист В.Рўзиматов билан суҳбатда унинг “Дархон” қандай газета эди?” - деган саволига: “Дархон” босмачиликка қарши ғоявий кураш, бу борада халқ орасида кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот олиб бориш юкланган оммавий газета эди...”, - дея жавоб берган эди [13. Б. 3].

Ҳақли бир савол туғилади. Ахир Чўлпон озодлик, ҳуррият куйчиси эди-ку?! Аввалданоқ истиқлол дардида куйиб-ёнган, ўз даврида “босмачилик” номи билан юритилган миллий озодлик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қараб келган, уларни қалбида алангаланган ҳурриятга ташналик оловининг сўнгги шуълалари, кўнглидаги умид дарахтининг охириги кўм-кўк япроқлари деб биларди-ку?! Сўнгсиз саволларимизга китоблардан жавоб ахтарамиз: “Чўлпон Фарғона





водийсида уруш ҳаракатларидан хонавайрон бўлган элни, даҳшатли очликдан қирилаётган гўдаклару қарияларни ўз кўзи билан кўради, айти пайтда, ҳозирги ҳолида миллий озодлик ҳаракати мақсадга олиб боролмаслигини, унинг элга фойдасидан кўра зиёни кўпроқ тегишини теран идрок қилади” [17. Б. 321]. Атоқли олим Н.Каримов эса бу борада қуйидагича фикр юритади: “Анвар пошонинг ўлиmidан кейин босмачилик ҳаракати бир қадар сусайган ва пароканда ҳолга келган бўлиб, унинг давом эттирилиши тинч аҳолини ҳам, “босмачи”ларни ҳам ҳалокатга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун Чўлпон бу нозик ишга аралашидан воз кечмаган. Лекин шунга қарамай, у қаердадир ўз виждонига қарши иш тутган ҳисоблаб, қаттиқ изтироб чеккан... Хуллас, Чўлпоннинг “Дархон” газетасидаги фаолияти унинг чекиниши, “сомон парча”га айланиши эмас, балки вазиятга тўғри баҳо беришининг натижаси эди” [9. Б. 204].

“Дархон” хусусида илк бор Зиё Саид ўзининг 1927 йилда чоп этилган “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927)” асарида маълумот бериб, “Андижонда фронт сиёсий саркотиблиги томонидан босмачиликни тугатиш даврида чиқарилган” газетанинг “беул тарқатилган”лиги, “босмачилик”ни тугатишда унинг тутган ўрни жуда катта” бўлганлигини қайд этади [10. Б. 76]. Шунингдек андижонлик кекса журналист, “Дархон” мухбирларидан Абдували Мақсудий(1895-1977)нинг маълумот беришича, газета 1923 йил 27 июндан 29 августгача яъни 2 ой муддат давом этган ва жами 17 та сони чиққан [12. Б. 4].

Абдулҳай Тожиев, Чўлпон, Боис Қориев(Олтой)дан иборат жамоа ходимларининг журналистик ва муҳаррирлик фаолияти ҳақида биринчи ўринда газета саҳифаларидаги мақолалар, хабарлар орқали маълумотга эга бўламиз. Бундан ташқари газета идорасининг иш ҳужжатлари, идоралараро ёзишмалар, баённома ва бошқа турдаги маълумотномалар ҳам газета фаолиятини ёритишда муҳимдир. “Дархон” газетаси таҳририятига доир материалларни излаш давомида Андижон вилояти давлат архиви фондларида ўнлаб ҳужжатлар борлиги аниқланди.

Газета ходимлари нашрнинг сермазмун мақолалар, янги-янги хабарлар, хилма-хил бадий лавҳалар билан бойитиш ҳаракатида бўлганлар. Бош муҳаррир А.Тожиевнинг Уезд ва шаҳар инқилоб ҳарб қўмитаси бошлиғи И.Ғозиевга йўллаган хати ҳам шундан далолат беради [1. Б. 156]. Бу хатда қўмита шўъбаларининг ҳар бири бўлаётган ва қилинажак ишлардан газетага ёзиб турилиши сўралган. Мазкур мурожаатга жавобан И.Ғозиев томонидан “Шўъба мудирлариға! Буюрилсун бажо келтиришлик учун” деган резолюция қўйилган.

Юқорида айтилганидек, газета ташкил этилиши муносабати билан Чўлпон Тошкентдан Андижонга чақиртирилади. Унинг газетага масъул





ходим этилиши билан ҳукумат томонидан айрим имтиёзлар берилганининг гувоҳи бўламиз. Уезд бошқармасининг бўлим мудир Абдураззоқов имзоси билан Чўлпонга Эски шаҳар амбулаториясига навбатсиз даволаниш учун йўлланма берилади [1. Б. 33]. Мазкур йўлланма газетанинг илк сони чиқиш санаси билан бир кунга тўғри келади. Шунингдек Чўлпоннинг газета масъул котиби, Боис Қориевнинг эса газета ходими эканлиги ҳақидаги гувоҳномалар ҳам айти шу кунда – 27 июнда расмийлаштирилган [5. Б. 12; 14].

Маълумки, 20-йилларда Туркистон ўлкасида ижтимоий-сиёсий вазият, тинчлик барқарор эмас эди. Чўлпоннинг “Дархон”да ишлаб турган вақтида нотинч ҳолатларни кузатган ҳолда, ҳар хил хавф-хатарлардан сақланиш учун Андижон ҳарб-инқилоб қўмитасидан вақтинча фойдаланишга тўппонча сўраб ёзган аризаси Андижон вилояти давлат архивида сақланади [3. Б. 1278]. 1923 йилнинг 15 июль санаси қайд этилган ушбу аризага жавобан ўша вақтдаги муваққат раис Ёрмуҳаммад ўғли томонидан “бир донга тўфонча топиб берилсин” дейилган. Н.Каримовнинг ёзишича, мазкур ариза қаноатлантирилиб Чўлпонга қўмондонлик томонидан “Браунинг” русумли тўппонча берилади [8. Б. 295].

Газетанинг “босмачилик” ва унинг тугатилишига қаратилганлигини эътиборга олсак, унинг мавзу йўналиши ва мундарижасини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин бўлади. Газета саҳифаларида асосан, Андижон ва унинг атрофида содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисалар – тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатлар тафсилоти, халқ турмуши ва аҳволи, қишлоқ хўжалиги ва савдо билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар, ҳукумат қарор ва фармойишлари, халқаро майдондаги ўзгаришлар ҳақида материаллар “Расмий бўлим”, “Шаҳримизда”, “Шикоят қутиси”, “Андижонда маориф ишлари”, “Жазо маҳкамаларида”, “Турли хабарлар”, “Ўлкамизда”, “Марказда”, “Фарғонада”, “Андижонда”, “Қишлоқларда”, “Чет элларда”, “Шарқ”, “Ғарб”, “Нари беридан”, “Адабиёт”, “Илм-фан”, “Шўролар бирлигида”, “Сўнг хабарлар”, “Босмачилик билан кураш”, “Фарғонада очлиқ”, “Ҳукумат ёрдами”, “Поездларнинг қатнаши” каби рукнлар орқали бериб борилган. Шунингдек газетада эълон ва билдиришларга ҳам мунтазам ўрин берилган бўлиб, бу ўз навбатида унинг халқ ичига янада яқинроқ кириб боришига хизмат қилган.

Газета ҳақидаги маълумотларга кўра, у таъсис этилишиданоқ вақтинчалик нашр ҳисобланган. Унинг “Андижонда ҳозирга ҳафтада 2-3 мартаба чиқатурғон, сиёсий ва ижтимоий газета” эканлигига таянадиган бўлсак, 1923 йилнинг 27 июнидан бошлаб, ўша йилнинг август ойи охирига қадар камида 20-30 атрофида сонлари чиққан бўлар эди. Бироқ газета чоп этилишининг мунтазамлиги ҳам ўзгариб





турганлигини кузатамиз. Бунга ўз ўрнида турли сабаблар кўрсатилади. Масалан, газетанинг 15 август 14-сонида “Ўқуғучиларимизга” сарлавҳали мурожаатнома берилиб, унда: “Харф тергувчиларимиздан биттаси ишчилар факултаси талабаси бўлгани учун ўқушига кетиб, яна бири касал ётқани учун газетамизни ҳозирга вақтинча ҳафтада 2 мартаба чиқариб турмоққа мажбур бўлуб қолдиқ. Ул жиҳатлар ўнгландан кейин яна 3 мартаба чиқара бошлағаймиз” дейилади [6. Б. 1]. Газета шу вақтлар мобайнида ҳафтасига 2 мартадан чиққан бўлса, август ойининг охирига бориб, ҳафтада бир мартадан нашр этилган. Айни пайтда яна бир жиҳат эътиборга молик. Чўлпоншунос олим Д.Қуронов шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган китобида “Дархон”ни сентябрь ойида жами 18 та сони чиқиб тўхтаганлигини қайд этади [16. Б. 20]. Агар ушбу маълумот ўз тасдиғини топадиган бўлса, яъни унинг сентябрь ойида чиққан охирги сонлари излаб топилса, газета фаолиятини, унинг мазмун мундарижаси кўламини янада чуқурроқ таҳлил қилиш имкони пайдо бўлар эди.

Газета адади дастлаб 1000 нусха бўлган бўлса, кейинроқ 1200, 1500, баъзан эса 2000 нусхага етган. Ададнинг ортиши газетхонлар аудиторияси секин-аста кенгайганлигини кўрсатади. З.Саид [10. Б. 76] ва Н.Каримов [8. Б. 195]лар қайд этганидек газета “бепул” эмас, балки пулли бўлган. Бу ҳар бир соннинг бош саҳифаси чап бурчагидаги “баҳоси 1 сўм”, баъзи сонларида эса “2 сўм” дейилган эскартмалардан маълум бўлади.

Даставвал “Андижон шаҳар ва уяз инқилоб-ҳарб шўроси ва инқилоб қўмитасининг фикр тарқатқучиси” ҳисобланган газетанинг бош муҳаррири Абдулҳай Тожиев бўлган бўлса, июль ойи охирида унинг Тошкентга чақариб олиниши муносабати билан бу вазифа Андижон уезд ревкоми раиси Исҳоқ Ғозиевга топширилади ва газетанинг 1 август 11-сонидан бошлаб “Фарғона музофотининг инқилоб-ҳарб шўроси ва Андижон шаҳар ва уяз инқилоб қўмитасининг фикр тарқатқучиси” эканлиги кўрсатилган ҳолда давом этади.

Газета гарчи қисқа муддат (салкам уч ой) давом этган бўлса-да, унинг нашр қилиниши ва тарқалиши ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Н.Каримовнинг ёзишича: “Дархон” чойхоналар, карвонсаройлар, бозорлар, масжиду маҳалла-кўйларда қўлма қўл бўлиб ўқилган” [8. Б. 205]. Мазкур нашр ҳукумат томонидан “босмачилик ҳаракати”га қарши курашиш учун ташкил этилганлигига қарамай, унинг саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларига оид хабарлар, маълумотлар, эълонлар, шунингдек ўша давр ҳаётидаги муаммо ва масалаларни акс эттирувчи мақолалар бериб борилган. Унинг саҳифаларида адабиёт, санъат, маданият, илм-фан, маорифга доир мақолалар ҳам кенг ўрин олган.





Айни пайтда “Дархон” саҳифаларида Чўлпоннинг жамоат ишларидаги фаолияти, хусусан, ўз мақсади йўлида оғишмай жидду жаҳд қилганлиги, юрт ва миллат “тараққийсиға чолишқан”лиги акс этган талай мақолалар мавжуддир. Газетада фаолият бошлар экан Чўлпон маориф ва таълим масалаларига жиддий эътибор қаратади. “Дархон”нинг илк сониди унинг “Кўмак уйқуси” номли имзосиз кичик мақоласи босилади. Унда: “Андижон “Кўмак” уюшмаси ухлайдир. “Нашри маориф” ҳам тузулганидан бери ортиқ бир нарсга қила олгани йўқ. Сўнгги вақтдаги жонланишнинг асари бу уюшмаларда ҳам кўрилишига тегиш эди.” [6. Б. 3] – дея куюниб ёзади Чўлпон. Мазкур йиғин ва мажлисларнинг тафсилоти “Дархон”нинг 10-август 13-сониди Чўлпоннинг “Андижонда” рукнидан ўрин олган “Маориф ишлари”, “Кўмак камиссияси ишда”, “Талабаларга ёрдам тўғрисида”, “Алихўжаев интернати” номли имзосиз ҳамда Олтойнинг “Тилчи” имзоли “Кенгаш: маориф ишлари тўғрисида” сарлавҳали мақолалари орқали тўлиқ ёритилади [6. Б. 3-4].

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар, янги аниқланган архив материаллари Чўлпон публицистик фаолиятида қилинадиган ишларнинг кўплигини ва долзарблигини яққол кўрсатиб турибди. Ўйлаймизки, мазкур масалалар келгуси ишларда ўз ечимини топса ажаб эмас.

Айтиш лозимки, “Дархон” саҳифаларида Чўлпон қаламига мансуб таҳририят номидан эълон қилинган ўнлаб бош мақолалар, 100 дан зиёд имзосиз мақола ва хабарлар, шу билан бир қаторда рус тилидан таржима қилган халқаро аҳвол хусусидаги кўплаб хабар ва тафсилий лавҳалар ҳалигача тадқиқ этилмаган ва ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутмоқдадир.

Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда Чўлпон ижодининг турли йўналишлари қирраларини очиб беришга қаратилган қатор илмий ишлар яратилди. Жумладан унинг “РосТА” ва “Бухоро ахбори” газеталаридаги журналистик ва муҳаррирлик фаолияти бўйича С.Ўлдошбекова тадқиқотлари эътиборга молик. Хулоса ўрнида унинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ кўрилди: “Унинг бутун ижтимоий фаолиятини ёритиб турган машъал ҳам, тимсолли қилиб айтганда, ўз даврининг муҳим ва долзарб муаммоларини кўтариб чиққан публицистик мақолалари бўлди. Журналистик фаолият, публицистик чиқишлар Чўлпонни ижтимоий жиҳатдан тарбиялади, унинг фикрларини, айниқса, миллий-озодлик, мустақиллик, эрк йўлидаги интилишларини, курашларини элга ёйди. Шунинг учун биз ҳақли равишда Чўлпонни XX асрнинг энг кучли публицист ва муҳаррирларидан бири деб биламиз.” [7. Б. 1].

Адабиётлар:





1. Анд. ВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 178 рақамли иш, 33, 156 бетлар.
2. Анд. ВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 180-рақамли иш, 573 бет.
3. Анд. ВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 184-рақамли иш, 1278 бет.
4. Анд. ВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 221-рақамли иш, 314-315, 316, 317-319 бетлар.
5. Анд. ВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 229-рақамли иш, 12, 14 бетлар.
6. “Дархон” газетаси. – 1923 йил. 27 июнь – 29 август. №1-17.
7. Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2002. – 135 б.
8. Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
9. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.
10. Саид З. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 208 б.
11. Сулаймон А., Зоҳирий А. Адабиёт парчалари. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926. – 224 б.
12. Султонов А., Абдуллаев Ш. “Дархон” ҳақида // Коммунист. – 1977. – 27 сентябрь. - № 189.
13. Суронли йиллардан хотира (Чўлпон ҳақида Исҳоқ Ғозиев билан суҳбат / В.Рўзиматов суҳбати) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1987. – 11 декабрь.
14. Шамсутдинов Р. Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб. – Тошкент: “Akademnashr”, 2018. – 304 б.
15. Қориев Б. Адабий таҳаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1967. – № 1.
16. Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
17. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: “Akademnashr”, 2013. – 336 б.





| <b>MUNDARIJA   TABLE OF CONTENTS   СОДЕРЖАНИЕ</b> |                                                                                                                                                                                   |    |
|---------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1.                                                | <b>ELLIPS VA UNING TENGLAMALARINI AMALIYOTGA TADBIQI</b><br><b>Hakimov Saibdjan</b><br><b>Nasirov Ilxam Zakirovich</b>                                                            | 4  |
| 2.                                                | <b>MUAMMOLI VAZIYAT USLUBIDAN FOYDALANISHGA QO'YILADIGAN ASOSIY TALABLAR</b><br><b>Hakimov Saibdjan</b><br><b>Nasirov Ilxam Zakirovich</b>                                        | 11 |
| 3.                                                | <b>PROBLEMS OF PUBLIC TRANSPORT IN THE ERA OF COVID-19</b><br><b>USMONOV AZIZBEK XXX</b>                                                                                          | 16 |
| 4.                                                | <b>PROBLEMS AND CHALLENGES FACED BY TRUCK OWNERS IN ROAD TRANSPORT</b><br><b>USMONOV AZIZBEK XXX</b>                                                                              | 19 |
| 5.                                                | <b>ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ДЛЯ ТРАНСПОРТНОЙ ОТРАСЛИ</b><br><b>УСМАНОВ АЗИЗБЕК</b>                                                                                              | 23 |
| 6.                                                | <b>BOZOR KONTEKSTIDA QO'LLANUVCHI METAFORALAR</b><br><b>Abdumo'min Mamtaliyev</b>                                                                                                 | 24 |
| 7.                                                | <b>Формирование конструктивно-исследовательской деятельности студентов на занятиях литературы в высшем образовательном учреждении</b><br><b>Каландарова Шохзода Музаффар кизи</b> | 32 |
| 8.                                                | <b>AHMAD DONISH VA VOZEN IJODIDA SAYONATNOMA JANRI</b><br><b>Yunuszoda Zulfiya Yunusovna</b>                                                                                      | 38 |
| 9.                                                | <b>ЧЎЛПОННИНГ ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТИ МАНБАЛАРИ</b><br><b>Исломова Сохибахон Исмоилжоновна</b>                                                                                       | 48 |

